

А Ж Р И М

(Тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2019 йил март ойининг 07 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Жалақудуқ туман суди, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси Н.Парпиев, М.Эргашеванинг котибалигида, тарафлардан Жалақудуқ туман прокурори ёрдамчиси А.Отабеков, судланувчи К. [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Хўжамов, жабрланувчининг вакили Х. [REDACTED] ларнинг иштирокида,

[REDACTED] 1954 йил 01-май куни Андижон вилояти [REDACTED] туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, беш нафар фарзанди бор, нафақада, муқаддам судланмаган, Андижон вилояти, [REDACTED]

яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2019 йил 16-январь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланаётганга оид 1-1707-1901/7-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

К. [REDACTED] 2018 йил 25 ноябрь куни соат 05:30 ларда, ўзига тегишли бўлган “ДАМАС” русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинасини Андижон шаҳар А.Темур шох кўчасида “Асака” йўналиши бўйича бошқариб кетаётиб амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 1-бандининг “г” кичик бандида ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шартлиги, 77-бандида ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариш кераклиги ҳақидаги талабларни бузиб, йўналишдаги кўринишни ҳисобга олмасдан, эътиборсизлик қилиб, кўча тозаловчи [REDACTED] ни уриб юбориб, уни баданига оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлган.

Жабрланувчининг вакили [REDACTED] суд мажлисида судга ариза тақдим қилиб, ўз аризасида судланувчи К. [REDACTED] томонидан унга нисбатан етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани, К. [REDACTED] кечирим сўрагани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, аризани ихтиёрий ёзганини, ушбу ариза ёзишда унга ҳеч ким таъзийқ ўтказмаганини билдириб, К. [REDACTED] ни айбловидаги жиноят ишини судланувчи билан ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўраган. Ўзбекистон Республикаси ЖПК

583-моддасида кўрсатилган талаблар, яъни ярашув аризаси суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, ушбу ҳолат бўйича қайта шикоят бериш ҳуқуқи йўқотилиши унга тушунтирилганини билдирган.

Судланувчи К. [] жабрланувчининг вакили Х. [] ни ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўраганини, жабрланувчига нисбатан етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, у билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини кўрсатиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни баргараф этса, ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланган.

Суд судланувчи К. [] ва жабрланувчининг вакили Х. [] нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, химоячи Х.Хўжамовни ва прокурор ёрдамчиси А.Отабековни жиноят ишини тарафларнинг ярашганликлари муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, К. [] нинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилган ишидан пушаймонлигини, жабрланувчига нисбатан етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчидан кечирим сўраб у билан ихтиёрий тарзда ярашиб олганлигини, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари асосида бўлаётганлигини инобатга олиб, К. [] га нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларни ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддалари талабларига риоя қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

[]), ни Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисми билан айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

[] га нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчининг вакили Х. [] га нисбатан етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани, жабрланувчи вакилини судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги эътиборга олинсин.

Суднинг ажримига нисбатан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фукаровий даъвогар) уларнинг қонуний вакиллари, химоячи томонидан ўн кун ичида хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Н.Парпиев

Нусхаси аслига тўғри